



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ-КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁҚИЛҒИ ВА ОРГАНИК БИРИКМАЛАР КИМЁВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

НЕФТ-ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ
КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

кафедра мудири
к.ф.н. О.Э.Зиядуллаев.

«___» _____ 2014 й

Талабанинг битирув ишига

ТОПШИРИҚ

Эгамбердиев Ислом Илхом ўғли

(талабанинг исми шарифи)

Битирув ишининг мавзуси Табийий газни ажратиш ва унда қўлланиладиган
насосларнинг ишлаш тамойиллари ва
ҳисоби

1. Институт буйруғи асосида тасдиқланди «___» Май 2014 й., №4/157

2. Битирув ишининг топшириш муддати _____

3. Битирув ишини бажариш учун олинган дастлабки маълумотлар

4. Лойиҳада ечиладиган масалалар _____

5. Чизиладиган материаллар рўйхати _____

6. Топшириқ берилган муддат _____

Битирув иши раҳбари _____

(имзо)

Топшириқ, бажариш учун қабул қилинди _____

(имзо)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ КИМЁ - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**НЕФТ ВА ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ
КАФЕДРАСИ**

ҲИСОБ-ТУШУНТИРИШ АХБОРОТИ

Битирув иши мавзуси _____

Кафедра мудирини _____ к.ф.н. О.Э.Зиядуллаев.

Раҳбар _____

Маслаҳатчилар:

Технологик қисм _____

Иқтисодиёт _____

Ўлчаш асбоблари ва
автоматлаштириш _____

Меҳнат муҳофазаси _____

Фуқаро муҳофазаси _____

Атроф-муҳит
муҳофазаси _____

Тақризчи _____

Битирув ишини бажарувчи _____

Тошкент – 2014



МУНДАРИЖА

Саҳифа бети

1. КИРИШ _____
2. ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАР _____
3. ХОМ-АШЁ, МОДДАЛАР ВА ТАЙЁР МАҲСУЛОТ
ТАВСИФИ _____
4. ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН ТАВСИФИ _____
5. АСОСИЙ ҚУРИЛМАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲИСОБИ _____
6. ЎЛЧАШ АСБОБЛАРИ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ _____
7. АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ _____
8. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ _____
9. МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ _____
10. ИҚТИСОДИЁТ БЎЛИМИ _____
11. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР _____
12. БИТИРУВ ИШИНИНГ ҚИСҚЧА МАЗМУНИ _____



К И Р И Ш



Кириш

Ўзбекистон нефть ва газнинг Гоят улкан ресурсларига эга бўлганиҳолда уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланмаганлигисабабли ўзининг нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган талаблариниреспубликадан пахта толаси, рангли металлар, олтин ва бошқа стратегикматериалларни етказиб бериш эвазига Россиядан 4-5 миллион тонна нефтьташиб келтириш йўли билан қоплар эди.

Газ қазиб олиш Урал ва Россиянинг ҳамда собиқ СССР нинг бошқаминтақалари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эди. Шу сабаблиреспублика учун углеводород хом ашёсининг янги манбаларини жалбқилиш нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамият ҳам касб этди.

Нефть-газ хом ашёсининг янги-янги манбаларини излаш ва жалбқилиш соҳасидаги стратегик дастурнинг ишлаб чиқилишига айнаи шу нарсасабаб бўлди.

Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ёнилғи-энергетика комплексиниривожлантиришга шу қадар катта эътибор берилмоқда.

Қидириб топилган газ захиралари 2 триллион кубометрга яқин, кўмир -2 миллиард тоннадан ортиқ. 160 дан ортиқ нефть кони мавжуд.

Нефть, газ ва конденсат захиралари ўз эҳтиёжларимизни тўлатаъминлабгина қолмай, шу билан бирга энергия манбаларини экспортқилиш имконини ҳам беради. Ҳозир бу капитал маблағ сарфлашнинг энгфойдали соҳаларидан бири бўлиб қолди.

Мутахассислар баҳолашича, Ўзбекистоннинг ер остида жуда каттанефть ва газ қатламлари бор. Республика ҳудудининг қарийб 60 фоизидауларни истиқболда қазиб олиш мумкин.

Нефть ва газ мавжуд бўлган бешта асосий минтақани ажратибқўрсатиш мумкин. Булар: Устюрт, Бухоро-Хива, Жанубий-ғарбий ҳисор,Сурхондарё,



Фарғона минтақаларидир. Нефть ва газ ресурсларининг захиралари би-
триллион АҚШ долларидан зиёд баҳоланмоқда.

Қидириб топилган захиралар республика эҳтиёжини табиий газ
бўйича 35 йилдан кўпроқ, нефть бўйича эса - 30 йилгача қоплайди. Нефтни-
нг 90 фоиздан ортиқроғи энг арзон фаввора усулида олинмоқда.

1992 йилда Наманган вилоятида истиқболли Мингбулоқ нефть
кони очилди. Уни саноат усулида ишлатиш Ўзбекистоннинг
нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш имконини беради.

Яна бир нарса алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистоннинг нефть ва
газ конлари бир канча кўрсаткичлар, чунончи, қудуқларнинг
маҳсулдорлиги, қазиб олиш таннари бўйича қўшни минтақаларнинг
конларидан сезиларли даражада ажралиб туради. Бу эса уларда самарали
ишлашга ва юқори фойда олишга умид боғлаш имконини беради. Шу билан
бирга, ана шу нефть захираларини қазиб олишга сарфланадиган қўшимча
харажатлар унча кўп бўлмайди, чунки нефтни қазиб олиш, тайёрлаш ва
ташиш учун инфраструктура барпо этиш зарурати йўқолади.

Яна бир хусусияти шуки, Ўзбекистондаги нефть захираларининг
қазиб олинганлик даражаси бор-йўғи 32 фоизни ташкил этади. ҳолбуки,
букўрсаткич Туркменистонда 61 фоизга, Қирғизистонда 41
фоизга, Тожикистонда 60 фоизга тенг. Табиий газ бўйича ҳам аҳвол шундай.

Ўзбекистоннинг нефть ва газ қазиб чиқариладиган
минтақаларидаривожланган инфраструктура мавжудлигини ҳисобга олганда,
мазкур омиллар уларни янада ривожлантириш ва инвестициялар қўйиш
учун қулайдир.

Республика газ қазиб чиқариш саноатини ҳамда табиий газни ва
газ конденсатини қайта ишлаш билан боғлиқ ишлаб
чиқаришларни ривожлантиришга катта умид боғламоқда.



Энг йирик газ конлари Жанубий-ғарбий Ҳисор ва Бухоро-Хива нефть газли минтақаларида жойлашган бўлиб, булар Шўртан ва Муборакгуруҳларига кирувчи конлардир.

Қазиб олинаётган газлар таркибида этан, пропан, бутан ва бошқакомпонентлар мавжуд бўлиб, улар полимер материаллар - полиэтилен, поливинилхлорид ва бошқа моддаларни олиш учун яроқлидир. Бунданташқари, Шўртан газкимё комплексидан олинаётган пропандан нитрил-акрил кислота олиб, ундан нитрон толаси ишлаб чиқариш мумкин.

Газни ва газ конденсатини қайта ишлаш бўйича ишлаб турган валоийҳалаштирилаётган объектларнинг ҳаммасида олтингугуртлибирикмалардан фойдаланиш назарда тутилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда нефть ва газ тармоғи илдамривожланди. Республика ҳудудида иккита нефтни қайта ишлайдиган(Фарғона ва Олтиариқ) ҳамда иккита газни қайта ишлайдиган (Шўртан ваМуборак) заводлари ишлаб турибди. Улар хилма-хил нефть ва газмаҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Мустақиллик йилларида республикадаянги маҳсулот турлари - бензин, авиакеросин, авиабензин, нефтьмойларининг хилма-хил турларини, суюлтирилган газ ва бошқаларни олишўзлаштирилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ республика хом нефтни ва нефтьмаҳсулотларининг кўпгина турларини четдан келтиришдан воз кечди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилганидан кейин эсареспубликанинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлатаъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилишни анча кенгайтиришимконига ҳам эга бўламиз.



ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАР



Бозор муносабатлари иқтисодиёт шароитида халқ хўжалигини тезликда ривожланишини зарурий шарти бўлиб, хом ашё манбаларини ва маҳсулот истеъмолчиларини яқинига саноат корхоналарини қуриш ҳисобланади.

Газни қайта ишлаш саноати корхоналарини рационал жойлаштиришга кўп жихатлар таъсир кўрсатади. Аммо ҳеч бир жихат алоҳида олинганда сезиларли таъсир ўтказа олмайди. Ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштирган ҳолда қуриш, маблағ сарфи иқтисодига тегишли ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтиришга ва самарадорлигини ўсишига олиб келади.

Қурилиши таклиф этилаётган ҳудуд тавсифи қуйидагилардан иборат:

Газни қазиб олиш, қайта ишлаш, ундан синтез асосида полиэтилен гранулаларини ишлаб чиқариш Муборак УШҚда амалга оширилади.

Маълумки, Қашқадарё вилояти аҳлиси ва конларга бой бўлган вилоят бўлиб, ишлаб чиқариш инфраструктурасини мукамал ташкил қилиш имкониятлари мавжуд.

Хом ашёни жиҳати. Хом ашё сифатида Қашқадарё вилоятини жанубий ғарбий ва шимолий газ конденсат конлари, ҳам қўллаш мумкин.

Шўртан газ конлари хом газининг таркиби (% мол.)

Азот	1,584
CO ₂	2,307
Метан	90,52
Етан	3,537
Пропан	1,06
н – бутан	0,209
н – бутан	0,260
н – пентан	0,110
Гексан	0,119
Гептан	0,112
H ₂ S	0,08
н – пентан	0,093

Сув манбалари. Бошқа саноат тармоқлари (кимё ва кимёвий технология) каби бу корхонада ҳам кўп миқдорда сарф қилинади. Ишлаб чиқариш



корхонасининг техник ва ичимлик сувларига бўлган талабини Талимаржон сув омборидан сув олиб Суний МГҚИЗси сув омбори таъминлаб беради. Лойиҳада бу каналдан корхонагача қувур ўтказилиши режалаштирилган. Сув насослар ёрдамида узатиб берилади.

Энергетика жиҳати. Электр ва иссиқлик энергияси билан шу қуриладиган корхонага яқин жойлашган Нишон туманида жойлашган Талимаржон ГРЭС (230-250 минг КВт қувватига эга) иссиқлик қуввати бўйича бири 683 г/кал га тенг корхоналар орқали таъминланади.

Ёқилғи жиҳати. Шуртан УШК газ ёқилғисини маҳаллий шимолий газ конидан олади. Шуртан УШК газ қувурлари орқали қўшимча миқдорда газ олинади.

Транспорт турлари жиҳати. Муборак тумани темир йўл транспорти билан тўлиқ равишда таъминланган. Шунинг учун маҳсулотларни жўнатиш ва хом ашёни ташиб келтириш мазкур темир йўл тизми орқали амалга оширилади.

Кадрлар ва ишчи кучи билан таъминланиши. Ўзбекистоннинг аҳолиси зич жойлашаган қисми МГҚИЗсига zavonaviy кадрлар ва ишчиларни Тошкент кимё технология институти, ҳамда Қарши иригация институти тайёлайди.

Қурилиш ва маданий маиший хизмат. Қашқадар вилоятида қурилиш ташкилотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Муборак темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи завод, ғишт заводи, Нишон қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Тошкент вилоятида метални қайта ишлаш корхонаси жойлашган бўлиб, унда нефт ва газни қайта ишлаш заводи учун зарур жиҳоз ва ускуналарини тайёрлаш мумкин. Туман ҳудуди шу каби бошқа ишлаб чиқариш ресурсларига ҳам бой.

Бўш вақтларни яхши ўтказиш учун Қаршиида маданият саройи, спорт тадионлари, кинотеатрлар, концерт заллари, клублар, кутубхоналар ва бошқа шу кабилар ишлаб турибди.



Ишлаб чиқариш чиқиндилари канализацияга ташланади, махсус тозалаш иншоотларида тозаланиб, қайта ишлаб чиқаришга берилади. Чиқинди газларни факелда ёқиб юборилади.

Қурилиш учун танланган ер майдони ва бинолар барча кўрсаткичлар бўйича тўғри танланган чунки Муборак тумани газни қайта ишлаш ва полиэтилен маҳсулотларини олиш учун мақсадга мувофиқ жой ҳисобланади.



ХОМ АШЁ, МОДДАЛАР ВА ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ТАВСИФИ



Хом ашё ва маҳсулотларнинг умумий тавсилоти ва физик кимёвий хоссалари.

Табиий газлар ер остидан қазиб олинади ва асосан метанлар қаторига кирувчи углеводородли газлардан ташкил топгандир. Унинг таркибига метан, этан, пропан, бутан, пентан ва гексанлар, уларнинг бирикмалари киради. Углеводородлардан ташқари, табиий газлар таркибида азот, ис газы, олтингугурт, водород ва инерт (кам учрайдиган) газлари учрайди.


Табиий газлар ер остида пайдо бўлишига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлинади: тоза газ кўринишида, нефть пайдо бўлган жойларда нефть билан биргаликда ва газ конденсати пайдо бўлган конденсатли газлар.

Тозагазкўринишидаги табиий газларнинг таркиби асосан метандан таркиб топган бўлиб, қуруқ ва тақир бўлади. Оғир углеводородли газларнинг (пропан ва ундан кейингилари) қуруқ газ таркибидаги миқдори 50 г/м^3 дан ошмайди. Нефть билан биргаликда пайдо бўлган газлар, нефть пайдо бўлган жойдан қазиб олинади. Бу газларни «хамроҳ» (йўл-йўлакай) газлар ҳам деб атайдилар. Бундай газларнинг таркибида метандан ташқари, кўп миқдорда оғир углеводородли газлар (150 г/м^3 ва ундан ортиқ) бўлиб, мойли газ хисобланади. Мойли газлар бу қуруқ газ билан пропан – бутанли бўлинма ва бензинли газлар аралашмасидан иборатдир.

Газ–конденсати пайдо бўлган жойлардан қазиб олинаётган конденсатли газларнинг таркиби қуруқ газ ва конденсат буғи (пар)дан иборат бўлиб босим камайганда ҳосил бўлади. Конденсат буғи бу оғир углеводородли газ буғлари аралашмаси бўлиб, углероднинг таркиби C_5 ва ундан юқори бўлади (бензин, лигроин, керосиндир).

Газларнинг физикавий хусусиятлари.

Газлар	Химиявий формуласи	Молекуляр Массаси	Н.ф.ш ($0^{\circ}\text{C}, 101,3 \text{ кПа}$)да молекуляр хажми	Н. ф. ш. ($0^{\circ}\text{C}, 101,3 \text{ кПа}$) да зичлиги кг/м^3	Ҳавога нисбатан нисбий зичлиги



Азот	N ₂	28,016	22,4	1,2505	0,967
Ацетилен	C ₂ H ₂	26,038	22,24	1,1707	0,9653
Водород	H ₂	2,016	22,43	0,08999	0,0695
Сув буғи	H ₂ O	18,016	23,45	0,768	0,5941
Ҳаво(CO ₂ сиз)	-	28,96	22,4	1,2928	1
Олтингугурт тўрт оксид	SO ₂	64,066	21,89	2,9263	2,2635
Углерод тўрт оксид	CO ₂	44,011	22,26	1,9768	1,5291
Кислород	O ₂	32	22,39	1,429	1,1053
Углерод икки оксид	CO	28,011	22,41	1,25	0,9669
Водород сульфид	H ₂ S	34,082	22,14	1,5392	1,1906
Метан	CH ₄	16,043	22,38	0,7168	0,5545
Этан	C ₂ H ₆	30,07	22,18	1,3566	1,049
Пропан	C ₃ H ₈	44,097	21,84	2,019	1,562
Н-бутан	C ₄ H ₁₀	58,124	21,5	2,703	2,091
Изобутан	C ₄ H ₁₀	58,124	21,78	2,668	2,064
Петан	C ₅ H ₁₂	72,151	-	3,227	2,491

Газ таъминоти сисетемаларида ҳар доим қуруқ газлар ишлатилади. Газ таркибидаги намликнинг миқдори, ҳарорат -20°C да (қишда) ва $+35^{\circ}\text{C}$ (ёзда) бўлгандаги тўйинган газдагидан ошиб кетмаслиги керак. Тўйинган газнинг нам сақланмаси унинг ҳарорати ўзгаришига боғлиқдир, бу боғлиқлик

Тўйинган газ нам сақланмасининг ҳароратга боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	0°C ҳарорат									
	0	10	20	30	40	50	60	70	80	90
Нормал шароитда (0C, 101.3кПа) 1м ³ қуруқ газдаги нам сақланманинг миқдори, гр	5	10.1	19.4	35.9	64.6	114	202	370	739	1950

Газёқилғисининг таркибига ёнувчи, ёнмай диган газлар ватурли хилчанглар, аралашмалар қиради. Ёнувчи газларга – углеводородлар, водород ва углерод



оксидлари (C,H,CO) киради. Ёнмайдиган таркибига эса – азот, углерод икк
оксиди ва кислород (N, CO₂, O) киради. Аралашма қисмига эса сув буғлари,
олтингугурт, чанглар киради.

Газ ёқилғиси истеъмолчиларга етказиб беришдан олдин турли хил
чанглар ва зарарли аралашмалардан тозаланади. Зарарли аралашмаларнинг
микдори грамм ҳисобида ҳар 100 куб метр ҳажмидаги газ таъминоти учун
мулжалланган шаҳар газ тармоқларида қўйидаги микдордан ошмаслиги
керак: водород сульфид– 2; меркаптанли водород сульфид – 3,6; механикавий
аралашмалар - 0,1.



ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН ТАВСИФИ



Технологик тизимни шархи

Табиий газни компонентлар (метан, этан, пропан, бутан ва углеводород конденсати) га ажратиш жараёнининг асосида ректификация жараёнида амалга оширилади. Дастлаб табиий газ таркибидан C_2 +юқори компонентларни ажратиш жараёни паст температураларда паст температурали ректификация (ПТР) усули билан амалга оширилади. Мазкур жараённинг моҳияти конденсатланган углеводородларни аввалдан ажратиб олиш ва иккифазали сокутилган оқимни ректификация колоннасига беришдан, шу тарзда табиий газнинг оқимини тўлалигича метансизлаштиришдан иборат.

Метанни ажратиб олиш жараёни

Табиий газ метанни ажратиб олиш блокига икки оқим билан, К-1 дeметанизаторни таъминловчи суюқлик сифатида, бeрилади.

К-1 дeметанизатор 38 клапанли ликопчалардан иборат бўлиб, уларда хом ашё таркибида этан 0,17 % mol дан кам бўлган аппаратнинг юқорисидан олинадиган маҳсулот ва таркибида метан 0,29 % mol дан кам бўлган куб маҳсулотини олиш мақсадида фракцияларга ажратилади.

Колоннага таъминловчи суюқлик икки оқим билан бeрилади:

- таркиби асосан метан (CH_4), этан (C_2H_6) аралашмалари ва азотдан иборат бўлган, икки фазали оқим минус 81 ÷ минус 82,5°C температурада 11 - ликопчага;

- углеводородлар аралашмаси (CH_4 , C_2H_6 , C_3H_8 , C_4H_{10} , C_5 +юқори) дан иборат бўлган, икки фазали оқим минус 60 °C дан паст бўлмаган температурада 27 – ва 28 – ликопчалар оралиғидаги хуудга.

К-1 колонна қувватида суюқлик таркибидаги метаннинг (CH_4) концентрациясининг колоннанинг баландлигига боғлиқлик профили келтирилган. Оғирроқ (юқори) углеводородлар (C_2H_6 , C_3H_8 , C_4H_{10} , C_5 +юқори) билан тўйинган суюқлик колоннанинг куб қисмида йиғилади.

Колоннанинг баландлиги бўйича углеводородлар аралашмасининг таркиби ўзгариши билан бирга, тугаш фазаларнинг температураси ҳам ўзгаради.

Т-1 конденсатор горизонтал, бир йўлли, қаттиқ маҳкамланган қувур панжарали ғилоф қувурли иссиқлик алмашгичдир. Конденсаторда метан фракциясининг минус 101°C изотермали этилен сокутиш агенти билан иссиқлик алмашиши ҳисобига сокуши ва конденсатланиши амалга ошади. Конденсатордан чиққан минус 94 ÷ минус 95°C температурадаги икки фазали оқим, фазаларга ажратиш учун С-2 флегма сифими (сепаратор) га юборилади.

С-1 сепаратор зангламайдиган пўлатдан ясалган, максимал 89m³ ҳажмга эга бўлган, вертикал цилиндрик аппаратдир. Сепараторнинг юқори қисмига, суюқлик томчиларини



метан фракцияси оқими билан олиб кетилишини олдини олиш учун, коагулянт ўрнатилган.

Сепараторда гравитация кучлари таъсири остида конденсатланган метан (суюқлик) газ фазасидан ажралади.

Сатҳнинг максимал даражасида сифимдаги конденсатланган метаннинг ҳажми 43,6 м³ ниташкил этади.

Нам газ ўтиб кетган ёки узоқ вақт давомида намлик йиғилган вазиятларда гидратларнинг ҳосил бўлишини олдини олиш учун, С-2 сепараторнинг куб маҳсулоти оқимига метанол бериш мумкин. Концентрланган метанол минус 98 °С температурада музлашини ёдда тутиш лозим.

Сепараторда ажралган суюқлик (суюқ метан) Н-1 насоснинг сўриш қисмига берилади.

Н-1 насос деметанизаторнинг юқори қисмига “хўллаш” суюқлигини берувчи вертикал чўқтирма марказдан қочма насос ҳисобланади.

Насосдан чиққан суюқ метан:

- “хўллаш” суюқлигисифатида К-1 колоннанинг юқори қисмига деметанизаторнинг 1-ликопчасига бериладиган

Суюқ фазада, (СН₄, С₂Н₆, С₃Н₈, С₄Н₁₀, С₅+юқори) углеводородлар аралашмасидан иборат бўлган куб маҳсулоти колоннанинг куб қисмининг ҳайдаш секциясига берилади. Углеводородлар аралашмаси ҳайдаш секциясидан, термосифон воситасида, 30÷35°С температурада Р-1 куб ребойлерининг қувурлар ҳудудига берилади.

Этан хом ашёсини ажратиб олиш жараёни

Суюқ углеводородларнинг (С₂Н₆, С₃Н₈, С₄Н₁₀, С₅+юқори) икки фазали оқими К-1 деметанизаторнинг кубидан (метанни ажратиб олиш блоки) 40÷44°С температурада, таъминлаш маҳсулоти сифатида, К-2 деэтанизаторга (этан хом ашёсини ажратиб олиш блоки) берилади.

К-2 деэтанизатор 51 клапанли ликопчалардан иборат бўлиб, уларда хом ашё таркибида пропан 0,56 %тодан ортиқ бўлмаган, аппаратнинг юқорисидан олинadиган этан (С₂Н₆) ва таркибида этан 0,16%тодан кам бўлган куб маҳсулотини (С₃Н₈, С₄Н₁₀, С₅+юқори) олиш мақсадида фракцияларга ажратилади.

Аппаратнинг юқорисидан олинadиган маҳсулот этилен ишлаб чиқариш қурилмаси пиролиз печлари учун хом ашё ҳисобланади. Куб маҳсулоти К-3 депропанизатор (пропанни ажратиб олиш блоки) учун хом ашё ҳисобланади.



Газ фазаси таъминловчи суюқлик бериладиган нуқтадан колоннанинг юқори қисмига ҳаракатланади, бунда пастга оқиб тушаётган суюқлик билан узлуксиз масса алмашиш жараёни бориши ҳисобига этан билан тўйинади.

К-2 Оғирроқ (юқори) углеводородлар (C_3H_8 , C_4H_{10} , C_5+ юқори) билан тўйинган суюқлик колоннанинг куб қисмида йиғилади.

Насосдан чиққан суюқ этан, К-2 дезтанизаторнинг юқори қисмига “хўллаш” учун берилади. Дезтанизаторнинг 1-ликопчасига бериладиган “хўллаш” учун берилади.

Суюқ этаннинг бир қисми, этан хом ашёсини печларга юбориш коллекторидаги босимга боғлиқ равишда, Т-3 этан хом ашёси буғлатгичининг қувурлар ҳудудига юборилади.

Этанни буғлатиш, берилган температурадаги буғ конденсати билан иссиқлик алмашиш ҳисобига, амалга оширилади. Буғ конденсати температураси $95\div 105^\circ C$ даражада буғлатгичнинг корпусига бериладиган паст босимдаги буғ оқимини тартибга солиш йўли билан, ушлаб турилади.

Суюқ фазадаги (C_2H_6 , C_3H_8 , C_4H_{10} , C_5+ юқори) углеводородлар аралашмасидан ташкил топган куб маҳсулоти колоннанинг куб қисмидаги ҳайдаш секциясига берилади. Углеводородлар аралашмаси $\sim 95^\circ C$ температурада ҳайдаш секциясидан, термосифон воситасида Р-2 куб ребойлерининг қувурлар ҳудудига берилади.

Ребойлердан чиққан углеводородлар аралашмасининг икки фазали оқими, $113^\circ C$ дан юқори бўлмаган температурада, куб қисмининг йиғиш секциясига берилади.

$101\div 105^\circ C$ температурадаги суюқ фаза (C_3H_8 , C_4H_{10} , C_5+ юқори) колонна кубининг йиғиш секциясидан, таъминлаш маҳсулоти сифатида, пропанни ажратиб олиш блокаига берилади.

Пропанни ажратиб олиш жараёни

Суюқ углеводородлар (C_3H_8 , C_4H_{10} , C_5+ юқори фракция) нинг икки фазали оқими К-3 дезтанизаторнинг кубидан (этан хом ашёсини ажратиб олиш блоки) $113^\circ C$ дан юқори бўлмаган температурада, таъминлаш суюқлиги сифатида К-3 депропанизаторга (пропанни ажратиб олиш блоки) берилади.

К-3 депропанизатор 52 клапанли ликопчалардан иборат бўлиб, уларда хом ашё таркибида бутан 0,33 % mol дан кам бўлган, аппаратнинг юқорисидан олинладиган пропан (C_3H_8) ва таркибида пропан 0,32 % mol дан кам бўлган куб маҳсулотини (C_4H_{10} , C_5+ юқори) олиш мақсадида фракцияларга ажратилади.

Колоннанинг назорат ликопчасидаги ишчи температура $88\div 90^\circ C$ даражасида ушлаб турилади.



Инерт, конденсатланмаган газларнинг йиғилиб қолиши ва куб ребойлерининг тизими ишининг бузилишини олдини олиш мақсадида, унинг юқори қисмидан, 23 kg/h миқдорда юқоридан олинадиган маҳсулотни доимий ташлаш амалга оширилади.

Ребойлердан чиққан углеводородлар аралашмасининг икки фазали оқими, 120÷122°C температурада, куб қисмининг йиғиш секциясига берилади. Газ фазаси йиғиш секциясидан, ҳайдаш секциясига оқиб тушаётган суюқ фаза билан масса алмашиш жараёнида иштирок этиб, колоннанинг юқори қисмига кўтарилади.

120÷122°C температурадаги суюқ фаза (C_4H_{10} , C_5+ юқори) колонна кубининг йиғиш секциясидан, таъминлаш маҳсулоти сифатида, бутанни ажратиб олиш блокига берилади.

Бутанларни ажратиб олиш жараёни

Суюқ углеводородлар (C_4H_{10} , C_5+ юқори фракция) нинг икки фазали оқими К-3 депропанизаторнинг кубидан (пропанни ажратиб олиш блоки) 120÷122 °С температурада, таъминлаш суюқлиги сифатида К-4 дебутанизаторга (бутанни ажратиб олиш блоки) берилади.

К-4 дебутанизатор 36 клапанли ликопчалардан иборат бўлиб, уларда хом ашё таркибида (C_5+ юқори) 1,31 % mol дан кам бўлган, аппаратнинг юқорисидан олинадиган бутан (C_4H_{10}) ва таркибида бутан 0,98 % mol дан кам бўлган куб маҳсулотини (C_5+ юқори) олиш мақсадида фракцияларга ажратилади.

Газ фазаси таъминловчи суюқлик бериладиган нуктадан колоннанинг юқори қисмига ҳаракатланади, бунда пастга оқиб тушаётган суюқлик билан узлуксиз масса алмашиш жараёни бориши ҳисобига бутанлар билан тўйинади.

Бутан сақловчи клапанлардан “хўл” машъала ташламаларини йиғиш коллекторига ташланади. 29–36 °С температурадаги суюқ бутан “хўллаш” суюқлиги сиғимидан Н-4 насосларнинг сўриш қисмига берилади.

Аралаштирилган пропан-бутан фракцияси (ПБФ) оқими сақлаш ва истеъмолчиларга жўнатиш учун товар паркига юборилади.

C_5+ юқори углеводородлар аралашмасидан ташкил топган куб маҳсулоти колоннанинг куб қисмидаги ҳайдаш секциясига берилади. Углеводородлар аралашмаси 105÷107 °С температурада ҳайдаш секциясидан, термосифон воситасида Р-4 куб ребойлерининг қувурлар худудига берилади.

Р-4 куб ребойлери вертикал ғилофқувурли иссиқлик алмашгичдир.

Суюқ фаза ребойлерда, паст босимдаги тўйинган буғ билан иссиқлик алмашиш ҳисобига исийди. Буғ куб ребойлерининг қувурлараро худудига 170°C температурада ва 500 kPa босим остида берилади. Суюқ фазанинг ребойлерда исиши натижасида осон учувчи углеводородлар буғланади, бунинг натижасида иссиқлик алмашгичниг бутун



баладлиги бўйича углеводородлар аралашмасининг зичлиги камаяди. Иссиқлик алмашгичниг ҳайдаш секциясидаги ва куб ребойлердаги маҳсулотларнинг зичликлари орасидаги фарқ термосифон жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Ребойлердан чиққан углеводородлар аралашмасининг икки фазали оқими, $110\div 113^{\circ}\text{C}$ температурада, куб қисмининг йиғиш секциясига берилади. Газ фазаси йиғиш секциясидан, ҳайдаш секциясига оқиб тушаётган суюқ фаза билан масса алмашиш жараёнида иштирок этиб, колоннанинг юқори қисмига кўтарилади.

$110\div 113^{\circ}\text{C}$ температурадаги суюқ фаза – барқарор кондесат (C_5 +юқори углеводородлар) колонна кубининг йиғиш секциясидан, $410\div 420$ kPa босим остида, совутиш учун Р-5 совуткичнинг қувурлараро ҳудудига берилади.

Р-5 совуткич горизонтал икки йўлли ғилоф қувурли иссиқлик алмашгичдир.

Совуткичда барқарор углеводород конденсати, айланма сув билан иссиқлик алмашиш ҳисобига, совуйди.Бериладиган айланма сувнинг температураси $24\div 28^{\circ}\text{C}$, унинг қайтувчи оқимининг температураси $29\div 33^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

$29\div 36^{\circ}\text{C}$ температурадаги совуткичдан чиққан углеводород конденсати, товар маҳсулот сифатида. товар паркига жўнатилади.



ЎЛЧАШ АСБОБЛАРИ ВА АВТОМАТЛАШ- ТИРИШ



«Ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш ва автоматлаштириш»

ҚИСМИ

Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштиришнинг асосий негизи иш жойларни ўзгартириш, бу технологик жараённинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Нефт ва газ саноатида техника ва технологияларни ривожлантиришни, ишлаб турган ва янги қурилаётган корхоналарни қуввати кўпайиш назорат қилиш бошқарувни ҳисоблаш техникаси кенг қўллаб, комплекс автоматлаштириш киритишни талаб қиляпти.

Автоматлаштириш ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш, унумдорлигини ошириш ва юқори сифатли маҳсулот олишни, асосий ва ёрдамчи технологик жараёнлари хавфсиз ишлашини таъминлайди. Локал ва автоматик бошқариш системалари катта аҳамиятга эга бўлиб, ахборот ва бошқариш функцияларини меъёрида фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Ахборот функцияларнинг вазифаси - ахборотни техник параметрларини ылчаш, узатиш, тайёрлаш ва кўрсатишлардан иборат.

Бошқариш функциялар вазифаси - ҳисоб ва узатиш, бошқарувчи механизмга таъсир кўрсатиш бошқарувидан иборат бўлиб, сифатли маҳсулот олинишида берилган қийматларни сақлаб туришдан иборат.

Малакавий битирув ишини бажаришда объект сифатида **Марказдан қочма куч ҳисобига ишлавчи носос** танлаб олинди. Бошқарилувчи параметр сифатида – **марказдан қочма куч ҳисобига ишлавчи нососнинг босими** олинди.

Марказдан қочма куч ҳисобига ишлавчи нососнинг босими автоматик ростлашни амалга ошириш учун, аввало идентификациялаш масаласини ечишилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Идентификациялаш - бу бошқариш объектларни математик моделларни ишлаб чиқиш ва ушбу моделларни бошқариш масалаларида куллаш демакдир. Биз берилган объектни автоматик бошқариш масаласини ечишда идентификациялашнинг пасив усулларида фойдаланиб ечамиз. Негаки,



бу усулни куллаб идентификациялаш масаласини ечишда автоматлаштирилган лозим булган объектни киришига қўшимча таъсирлар берилмайди. Бу усул объектни нормал фаолиятида кириш ва чиқиш сигналлари ўзгаришини ўлчаш ва назорат қилиш асосида бошқариш моделлари олинади.


Мазкур малакавий битирув ишида курилаётган жараёни бир курсаткичли детерминлашган объект сифатида қабул қилиб, қуйида келтирилган схема қуринишида тасвирлаймиз:



Бу ерда X-кириш сигнали, Y-чиқиш сигнали, яъни улар $Y=f(X)$ функционал боғланган.

Қуйилган масаланинг мураккаблигига қараб, бошқариш объектини бир, икки ва уч сигимли объектларнинг кетма-кет уланган звенолар қуринишида тасвирлаш мумкин.

Бизнинг ҳолатимизда бошқариш объектини икки кетма-кет уланган звенолар қуринишида тасвирлаймиз, яъни реакторда иссиқлик ва моддаалмашиниш жараёнлари кечади:



W1 ва W2 – звеноларнинг узатиш функцияси, улар уз навбатида қуйидагича ифодаланади:


$$W_1 = \frac{K_1}{T_1 * p + 1} \quad W_2 = \frac{K_2}{T_2 * p + 1}$$

Бу ерда K_1, K_2 – звеноларнинг кучайтириш коэффициентлари;

T_1, T_2 – вақт доимийси;



Юкорида структуравий схемаси тасвирланган икки сигимли объект автоматик бошқариш учун куйида тасвирланган структуравий схема асосида хисоблаш тажрибасини утказиш талаб этилади:




Бу ерда P –ростлагич.

Курилмадаги кечадиган жараёнга таъсир этувчи курсаткич деб, **Марказдан қочма қуч хисобига ишлавчи нососнинг босими** қабул қилинди. Шунинг учун **босимни** ростлаш локал тизимини ишлаб чиқамиз. Жарёндаги узгартириладиган объектнинг асосий курсаткичи:


$P_{\max} = 90$ кПа; $P_{\min} = 88$ кПа; $P_{\text{урт}} = 89$ кПа; микдорда узгариши мумкин, **хароратни** узгариши чегараси $\Delta P = \pm 1$ кПа.

Бошқариш жараёнини хисоблаш тажрибасини МВТУ дастури ёрдамида компьютерда икки сигимли объект учун амалга оширамиз. Объектни оптимал бошқариш учун унга тугри келадиган ростлагич танланади.

Бу асосида куйида келтирилган блок схемага асосан ростлаш оптимал қуриниши танланди, ростлагични қийматини аниқлашда датчик ва ижрочи қурилмани қучайтирувчи булинма деб қараб 2 сигимли объект ПИ рослагич учун хисобланди:



БОШҚАРИШ ОБЪЕКТИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СХЕМАСИ



Бошқариш усули қуйидаги кўрсаткичлар орқали амалга оширилади:

$Q_Б$ – байпасли узатма;

Q_H – насоснинг иш унумдорлиги;

$Q_C = Q_H - Q_Б$ – тармоқнинг иш унумдорлиги;

$H_C = H_H$.

$Q_C \approx Q_H$ бўлгани мақсадга мувофиқ.



АТРОФ –МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ



Атроф-муҳит муҳофазаси

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг долзарблик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир.

Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят ҳавfli зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очик айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилларлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга қўпол ва такаббурларча муомалада бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай мунобатни табиат кечирмайди. Инсон-табиатнинг хўжайини, деган сохта мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида қўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни кирилиб кетиши, генофоннинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди.

Атроф муҳитнинг ҳуқуқий нормалари турларидан бири - қонун кучига эга бўлган техник нормалар ва стандарлардир (масалан, ГОСТ 17.2.3.02-86 Атмосфера. Аҳоли яшайдиган пунктларда ҳаво сифатини назорат қилиш қоидалари; ГОСТ 17.0.0.04-90. Саноат корхоналарининг экологик паспорти.)

Республикада табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш бўйича бутун маъсулият Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юклатилган.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Атроф-муҳитнинг ҳолати ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати, шу жумладан табиатни муҳофаза қилиш нормаларини бузувчи саноат объектларини қуриш ва ишлатишни ман этиш ҳуқуқи берилган.

2. Вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, табиатдан фойдаланиш соҳасида ягона илмий-техник сиёсат ишлаб чиқариш ва ўтказиш.



3. Экологик нормативлар, қоидалар ва стандартларни тасдиқлаш.

4. Янги техника ва технология, шунингдек корхоналар қурилиш лойиҳалари ва реконструкцияси бўйича давлат экологик экспертизасини ўтказиш.

5. Моддаларни атмосферага чиқаришга, чиқиндиларни йўқотишга, газдан фойдаланишга, атмосфера ҳавосини ишлатишга, Ерларни ажратишга, аҳолни ўрганиш бўйича тарбиялашга рухсатномалар бериш.

6. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни режалаштириш ва амалга ошириш.

Атмосфера ҳавосига чанг чиқиндиларини кўплаб тушиши ҳавони тиниқлигини ёмонлаштириш билан бирга кўёш радиациясини тезлигини ва спектрини ўзгаришига олиб келади. Атмосфера ҳавосига ташланаётган чиқиндилар йилига таркибида олтингугурт IV оксиди, углерод II, IV оксидлари бор бўлган 2.5 млрд. тонна газ чиқиндилари турли корхоналардан ташланади. Масалан, йилига 150 млн. т. гача SO₂; 70 млн. т. чанг қурилиш корхоналари, қора ва рангли металлургия ва бошқа корхоналар томонидан ташланади.

Атмосфера ҳавосини энг кўп ифлосланишига шунингдек, автотранспорт воситаларидан ташланадиган газлар сабаб бўлмоқда. Ушбу ички ёнув двигателларида ёқилғининг тўлиқ ёнмаслиги туфайли ҳосил бўлаётган газ 200 турли ўта захарли газлар аралашмасидан иборат бўлиб, уларга CO, CO₂, парафин ва олефин қатори углеводлари, ароматик бирикмалар, альдегидлар, азот оксидлари, қалай бирикмалари кабилардир. Бу газлар ичида канцерогенлик хусусиятига эга бўлган захарли модда 3,4-бензопирен -30% ни ташкил қилади. Ушбу газлар кўп ҳолларда тирик организмларга зарарли бўлган ҳодиса «смог»нинг ҳосил бўлишига сабаб бўладилар.

Мен лойхалаётган Муборак ушк Корхонасида чиқинди ташлаш бўйича СН-245-71 га асосан 1 категорияга киради. Санитар химоя зонаси СНИП-2.01.03-96 га асосан (1000) м. Нордон газларни десобциялаш жараёни паст босим ва юқори хароратда боради. Бу эса эндотермик жараён ҳисобланади.



Менинг дипломимдаги хом ашё депорофинизатсия ва дебутинизациялар курилмасини лойхалаш.

Атмосфера хавосини заҳарли газлардан тозалаш жараёни асосан газларни суюқлик ва қаттиқ жисм чегара сиртларида борувчи кимёвий ўзгаришлар ҳисобига олиб борилади. Заҳарли газ моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари, уларни ажратиб олиниш шароитларига биноан уларни тозалаш учун аксарият ҳолларда қуйидаги усуллар қўлланилади:

1. Адсорбция
2. Абсорбция
3. Каталитик
4. Термик

Абсорбция ва адсорбция усулларнинг афзаллиги шундан иборатки улар газларни ажратиб олиб, қайтадан фойдаланиш (рекуперация қилиш) имконини берадилар. Шунинг учун уларни регенератив усуллар деб ҳам аталади.

Каталитик ва термик усуллари эса заҳарли газлар мураккаб аралашма ҳолида бўлганда ва улар таркибига кирган газлар ўта заҳарли бўлиб, халқ хўжалигида ушбу газларга эҳтиёж йўқ бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу усуллар газлар структурасини парчалаш ҳисобига уларнинг заҳарлилик даражасини камайтиради, мураккаб бирикмаларни оддий модда ҳолигача парчалайди. Шунинг учун ушбу усулларни деструктив усуллар деб аталади.

